



QAROR

№ 294-қ

2008 йил "10" июн

Маданий, маиший ва савдо
хизмат курсатиш мажмуаси
қуриш учун рухсат бериш
туғрисида

Каттакургон шаҳар Фуркат кучаси 15 уйда яшовчи фуқаро Зокиров Азими шаҳар ҳокимига ёзган аризаси, шаҳар ҳокимининг 2005 йил 9 мартдаги 11-Ф сонли «Каттакургон шаҳрида шаҳарсозлик ва ер танлаш туғрисида»ги фармойиши билан тузилган комиссия аъзоларининг далолатномасини инобатга олиб, Ўзбекистон Республикаси Ер ва шаҳарсозлик кодексларига асосан

Қ А Р О Р Қ И Л А М А Н :

1. Каттакургон шаҳар ҳокимининг 2005 йил 9 мартдаги 11-Ф сонли «Каттакургон шаҳрида шаҳарсозлик ва ер танлаш туғрисида»ги фармойиши билан тузилган комиссия аъзоларининг далолатномаси тасдиқлансин.

2. Каттакургон шаҳар Фуркат кучаси 15 уйда яшовчи фуқаро Зокиров Азимга шаҳарнинг бош режасига асосан А.Темур шох кучаси атрофидан 0,20 га ер майдонига аҳолига маданий, маиший ва савдо хизмат курсатиш мажмуаси қуриш учун рухсат берилсин.

3. Қурилиш ишларини амалга оширишни бугунги кун Архитектура ва қурилиш қонун талабларига риоя қилган ҳолда вилоят архитектура ва қурилиш бош бошқармаси билан келишилган лойиҳа смета ҳужжатлари асосида амалга ошириш фуқаро Зокиров Азим зиммасига юклатилсин.

4. Ўзбекистон Республикасининг Ер кодексида курсатилган 2 йил муддат ичида аҳолига маданий маиший ва савдо хизмат курсатиш мажмуаси қурилиши ҳамда атрофида ободонлаштириш ишлари амалга оширилмаса ушбу қарор уз кучини йўқотди деб ҳисоблансин.

5. Ерни натура тарзида жойида улчаб бериш, бугунги кун архитектура ва қурилиш талабларига жавоб берадиган лойиҳа асосида қурилишни назорат қилиш шаҳар Архитектура ва қурилиш ҳамда шаҳар «Ер тузиш ва қучмас мулк кадастри» хизмати бўлимлари зиммасига юклатилсин.

6. Ушбу қарор ижросини назорат қилиш шаҳар Архитектура ва қурилиш бўлими зиммасига юклатилсин.

Шаҳар ҳокими :

Ф.Зайнуддинов.